

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

САЙЁРА ФАТХУЛЛАЕВНА МУХАМЕДОВА

**МУСО САИДЖОНОВНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик
ва тарихий тадқиқот усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Сайёра Фатхуллаевна Мухамедова

Мусо Саиджоновнинг ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолияти 3

Сайёра Фатхуллаевна Мухамедова

Общественно-политическая и научная деятельность Мусы Саиджанова 27

Sayyora Fatkhullaevna Mukhamedova

The socio-political and scientific activities of Musa Saidjanov 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

САЙЁРА ФАТХУЛЛАЕВНА МУХАМЕДОВА

**МУСО САИДЖОНОВНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик
ва тарихий тадқиқот усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Таг72 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fati.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дилором Агзамовна Алимова
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бахтиёр Эргашевич Эргашев
тарих фанлари доктори, профессор

Аъзам Ҳомидович Болтаев
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc.02/30.12.2019.Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил "24" февраль соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Фуломов кўчаси, 70-уй, Фанлар академияси асосий биноси, 110-хона. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (~~11~~- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2023 йил "7" февраль кунни тарқатилди.
(2023 йил "7" феврал даги 3- рақамли реестр баённомаси).



Азамат Зиё
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

Х.С. Жуманазаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Аллаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёни жамият тарихий тафаккури ва ҳар бир халқнинг миллий қадриятларига бўлган муносабатига ҳам таъсирини кўрсатмоқда. Бу жараёнда миллий ўзликни сақлаб қолиш, ўтмишидан фахрланиш туйғуси, бевосита ўз ҳаққоний тарихини билишга боғлиқ. Халқи ва давлатчилиги тарихида ўз ижтимоий-сиёсий қарашлари, ватан равнақи йўлидаги ҳаракатлари билан маълум из қолдирган миллат фидоийлари ҳаёти ва фаолияти ана шу тарихнинг муҳим бўлакларидан биридир.

Бугунги кунда дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Туркия, Россия Федерацияси, Қозоғистон каби мамлакатлари илмий марказлари томонидан инсоният ривожланишининг маълум босқичларида бундай шахсларни пайдо қилган шарт-шароит, турли сиёсий ва маърифий ҳаракатларнинг вужудга келиши, хусусан ўз моҳиятига кўра бетакрор ва ноёб бўлган жадидчилик ҳаракати тарихини ўрганиш юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан, жадидчилик ҳаракатининг аксарият намояндалари номлари, таржимаи ҳоли, уларнинг ҳаёти ва илмий мероси кенг жамоатчиликка номаълум бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири улар ҳақида махсус илмий тадқиқотларнинг камлигидадир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи фанида ўрганилаётган янги илмий йўналишлар қаторида давлат ва жамоат арбобларининг Ватан ва миллати равнақига кўшган ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг аҳамияти, уларнинг биографияси, шахсий сифатларининг шаклланиши масаласи алоҳида ўрин эгаллади. Мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатағон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларининг, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларнинг номлари ва хотираларини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонати мисолида ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ¹ бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистон бош стратегиясининг энг долзарб вазифаларидан бири сифатида кун тартибига қўйилди. Шу боис, қатағон сиёсатининг қурбони бўлган маърифатпарвар олим ва тарихчи Мусо Саиджонов ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш илмий-назарий ва маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги ПФ-2837-сон Фармони, 2008 йил 5 майдаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-861-сон Қарори, 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5598-сон фармойиши ҳамда мавзуга тегишли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020 йил 8 Ф-5598-сон фармойиши / <https://lex.uz/ru/docs/5041012/19.11.2020>

бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси². Мусо Саиджонов ҳаёти ва фаолиятининг маълум жиҳатларини ёритувчи адабиётлар 2 та даврий босқичга бўлиб таҳлил қилинди. 1. Совет тарих фанида яратилган ишлар; 2. Мустақиллик даврида вужудга келган тадқиқотлар. Шунингдек, мавзуга доир хорижий тадқиқотлар шарҳи бериб ўтилди. Таъкидлаш жоизки, мавзу совет тарих фанида алоҳида ўрганилмаган, унга оид мавжуд ишлар кам сонли³ ва бир ёқлама ёритилган; мустақиллик йилларида Д.Алимова, Қ.Ражабов, Ҳ.Тўраев, Б.Эргашев, С.Горшенина, А.Муинов, А.Болтаев ва Н.Наимов каби муаллифлар қаламига тегишли, мавзунинг баъзи масалалари акс этган монографиялар, махсус мақолалар, рисола ва бадиий асар яратилди. Учинчи гуруҳ адабиётларини хорижий тадқиқотлар ташкил қилади. Ушбу мавзунинг ўрганишда жадидчилик ҳаракати тарихи масаласига бағишланган хорижий асарлар контекстида Мусо Саиджонов шахсига ҳам ўрин берилган.

Мусо Саиджоновнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган адабиётлар таҳлили бу шахс тарихи махсус тадқиқот объекти бўлмаганлигини кўрсатди. Унинг маърифатпарварлик ҳаракатидаги иштироки, давлат бошқарувидаги фаолияти, тарихчи олим ва ўлкашунос каби серқирра жиҳатлари, бунинг шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар тизимли, яхлит тарзда ўрганилмаганлигини таъкидлаш жоиз.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фанлар академияси Тарих институти “Ўзбекистон ҳудудида таълим тарихи ва тарихшунослиги: тажриба, муаммо ва ривожланиш” мавзусидаги икки жилдлик илмий нашр ФА-Ф1Г023-рақамли фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Мусо Саиджоновнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолиятини тарихий жараёнлар контекстида ёритиш ҳамда бунга доир билимларнинг тўпланиш динамикасини аниқлаш орқали совет тузуми қатағон сиёсати моҳиятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Мусо Саиджонов ҳаёти ва фаолияти, илмий меросининг ўрганилишига доир совет ва мустақиллик йилларида яратилган асарларни аниқлаш, жамлаш,

² Тадқиқот мавзуси хусусияти ва белгиланган мақсаддан келиб чиқиб Мусо Саиджонов ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи ишлар махсус бобда таҳлил қилинди.

³ Убайдуллаев К. Мусажон Саиджонов // Гулистон. 1967. – №11. – Б. 15; Абдураимов М. Саиджоновнинг илмий мероси // Шарқ юлдузи. 1972. – № 9. – Б. 130-139; Шу муаллиф. Ёш бўлса ҳам бош бўлган эди // Фан ва турмуш. 1974. – № 4. – Б. 32-33; В.Сааков, Н.Коробцов. Нарком Бухарской Республики // Советская Бухара. 1978, 27 декабрь.

тизимлаштириш ва таҳлил қилиш; мавзуга доир хорижий нашрларни шарҳлаш;

турли тарихий манбалар ва архив ҳужжатлари асосида Мусо Саиджоновнинг Бухородаги маърифатпарварлик ҳаракатидаги ўрнини кўрсатиш;

Бухоронинг сиёсий ҳаёти, республика тузумининг ўрнатилиши ва БХСР ҳукумати бошқарувида Мусо Саиджоновнинг иштироқи ҳамда ролини тарихий жараёнлар контекстида ёритиш;

Мусо Саиджоновнинг Бухорода маориф тизимини янгилаш ва такомиллаштириш йўлида амалга оширган ишларини ўрганиш;

тарих фани ва ўлкашунослик соҳаси ривожига қўшган ҳиссасининг аҳамиятини кўрсатиш;

олимнинг шахсий кутубхонаси материаллари ва архиви ҳужжатларини тавсифлаш асосида нашр қилинган ва чоп этилмаган ишларини аниқлаш, рўйхатини тузиш ва улар ҳақида маълумотлар бериш;

совет ҳукуматининг миллий зиёлиларга нисбатан қатағон сиёсати ва унинг Мусо Саиджонов ва оиласи тақдиридаги оқибатларини кўрсатиш;

тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объектини Мусо Саиджоновнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолияти мисолида шахс ва жамият, унинг тарихий жараёнлардаги роли ва шахс ҳамда Ватан тарихининг ўзаро алоқадорлиги ташкил этади.

Тадқиқот предметини Мусо Саиджоновнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолияти ҳамда унга доир яратилган ишлар белгилайди.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда муаммовий-даврий ёндашув усули, биографик, просопографик, оғзаки тарих ва конкрет таҳлил тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Мусо Саиджоновнинг Бухоро Халқ Совет Республикаси бошқарувида совет ҳокимиятининг мустабидчилик сиёсатини қўллашига қарши турганлиги, миллий давлатчилик анъаналарини қайта тиклаб, иқтисодий-сиёсий соҳаларни ривожлантиришдаги уринишлари ўша даврда Бухоронинг Россия билан савдо айланмаси нарх-наволарининг мунозарали масалаларига ойдинлик киритганлиги ҳамда давлатнинг молия-иқтисод ва солиқ идоралари фаолиятини мувофиқлаштирганлиги мисолида далилланган;

Мусо Саиджонов ташаббуси ва бошчилигида Бухорода Бухкомстарис, Ўлкашунослик музейи ва Бухоро вилояти оммавий кутубхонасининг ташкил этилиши ҳамда ҳозирда Ўзбекистон Миллий архиви сақловидаги “Бухоро амирлиги Қўшбегиси маҳкамаси” фонди ҳужжатларини белгиланган тартиб асосида архив идораларига топширишни ташкил этганлиги асослаб берилган;

Мусо Саиджоновнинг раҳбарлиги ва иштироқида Самарқанддаги ён томонга оғиб бораётган Улуғбек минорасини тиклаш, Бухородаги Сомонийлар ва Баёнқулихон макбаралари, Арк, Ситораи Моҳи Хоса саройи, Мир Араб, Кўкалдош, Гавкушон мадрасалари, Вобкент минорасини таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги ва шу сабабли уларнинг бугунги кунгача талафотсиз етиб келганлиги далилланган;

олимнинг археологик ва ўрта асрлар ёзма манбаларини ўрганиш асосида XV-XVI асрларга оид бўлган ва ҳозирда йўқолиб кетган Чилдухтарон мақбарасининг (Самарқанд) номи аслида шайбонийлар авлодига тегишли бўлган Кўчкинчихон мақбараси эканлигини илмий жиҳатдан исботлаб берганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Мусо Саиджонов фаолиятининг айрим жиҳатларини ёритишга хизмат қилувчи архив хужжатлари ва нашрлардан ташқари, унинг шахсий архив хужжатлари, сиёсий, ижтимоий ва илмий-маърифий фаолиятига доир норасмий хужжатлар янги илмий истеъмолга киритилиб, улар асосида Мусо Саиджоновнинг таржимаи холи ва фаолияти очиб берилган.

Олимнинг илмий мероси ўрганилиб, унинг нашр этилган ва этилмаган ишларининг библиографик рўйхати шакллантирилган. Тадқиқот натижаларидан олимнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган оммабоп-тарихий асар ва хужжатли фильмлар ҳамда қатор телекўрсатувлар яратилишида қўлланилган. Мусо Саиджонов ҳаёти ва фаолиятига оид фактик материаллар, фотохужжатлар “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейи ва унинг Бухоро филиали экспонатларини шакллантиришда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда тарих фанида эътироф этилган назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, катта ҳажмдаги архив хужжатлари⁴ ва манбалар таҳлили амалга оширилгани, турли тарихий адабиётлардан кенг фойдаланилгани, Мусо Саиджоновнинг шахсий хужжатлари ҳамда оғзаки тарих маълумотлари жалб қилинганлиги, илмий хулосалар бирламчи манбаларга асосланганлиги, хулосада келтирилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Мусо Саиджонов ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолиятини тарихийлик ва холислик нуқтаи назаридан ўрганилиши ҳамда ёритиб берилиши Бухорода миллий тараққийпарварлар ҳаракати иштирокчилари, зиёлилар, давлат арбоблари ва олимлари биографияси ҳақидаги илмий билимларни чуқурлаштириш ҳамда мазкур муаммога оид назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини тадқиқ этишга, жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, уни асраш ва бойитиб боришга қаратилган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига,

⁴ Ўзбекистон миллий архивидан: И-3 фонд – Российское императорское политическое Агентство в Бухаре, И-323 фонд – Коллекция вакуфных документов, Р-47 фонд – Центральный исполнительный комитет БНСР, Р-48 фонд – Совет Народных Назиров БНСР, Р-94 фонд – Народной комиссариат просвещения УзССР, Р-2296 фонд – Комитет по охране памятников материальной культуры, природы и музеев Народного Комиссариата просвещения УзССР (с 1932 Совета Наркома УзССР), Р-2678 фонд – Личный фонд О.Д.Чеховича; Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари Миллий архиви кино ва фотохужжатлари; Бухоро вилояти давлат архивидан 835-фонд – Бухкомстарис; Самарқанд вилояти давлат архивидан 1762-фонд – Личный фонд И.Умнякова; Ўзбекистон маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш қўмитаси идоравий архивидан Мауэрнинг шахсий фонди хужжатлари.

шунингдек, Ўзбекистон тарихи фанидан ўқув қўлланма, дарсликлар, ўқув видеофильмлари, электрон қўлланмалар яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мусо Саиджоновнинг ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолиятини тадқиқ этиш доирасида олиб борилган изланишлар давомида олинган илмий натижалар асосида:

Мусо Саиджоновнинг жадиличлик ҳаракатидаги тутган ўрни, Бухоро Халқ Совет Республикаси бошқарувида ўз халқи манфаатларини ҳимоя қилиш ёндошувида туриб иштирок этгани, умуминсоний ва миллий қадриятларга содиқ қолганлиги ҳамда унинг раҳбарлигида Бухорода Бухкомстарис, Ўлкашунослик музейи ва Бухоро вилояти оммавий кутубхонасининг ташкил этилиши ҳамда ҳозирда Ўзбекистон Миллий архиви сақловидаги “Бухоро амирлиги Кўшбегиси маҳкамаси” фонди ҳужжатларини архив идораларига топширишда бош бўлганлиги ҳақидаги кўргазмали материаллардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейи экспонатларини шакллантиришда фойдаланилган (“Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейининг 31.05.2022 йилдаги 97-сон далолатномаси). Қўлланилган натижалар мазкур даврни фактик материаллар билан тўлдиришга кўмак бериб, Бухоро миллий зиёлиларининг намојндаси бўлган ва совет тузуми қатағонига учраган Мусо Саиджоновнинг миллий давлатчилик, маданият, маориф ва тарих фани ривожини йўлида олиб борган ишлари ва фаолиятини илмий асосда ёритишга хизмат қилган.

Мусо Саиджоновнинг Бухорода маърифатпарварлик ҳаракатида иштирок этиб халқни хат-саводли қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида олиб борган ишлари ҳамда унинг ўрта аср шарқ қўлёзмаларининг чуқур билимдони, археолог олим, профессор даражасига етишиши, илмий ва сиёсий фаолияти ҳақида архив ҳужжатлари билан асосланган илмий хулосалардан “O‘zbekiston tarixi” телеканалида эфирга узатилган “Тасмалардаги тарих” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 12 сентябрдаги 02-31-1490-сон маълумотномаси). Ушбу тадқиқот натижалари Ватан тарихи ва унинг рағнақини йўлида фидойилик намунасини кўрсатган давлат арбоби, олим Мусо Саиджоновнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуман ва конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мусо Саиджонов ҳаёти ва фаолияти тарихшунослиги”** деб номланган биринчи бобида илмий адабиётлар таҳлили уч гуруҳга бўлиб амалга оширилди. Хронологик жиҳатдан мавзуга доир икки даврда вужудга келган ишлар таҳлили, яъни: совет давридаги илмий тадқиқотларда М.Саиджонов шахси; мустақиллик йилларида М.Саиджонов ҳаёти ва фаолиятига оид нашр қилинган ишлар; тадқиқ этилаётган муаммонинг хорижда ўрганилиши шарҳи.

Совет тарихшунослигида вужудга келган тадқиқотлар орасида М.Саиджонов ҳаёти ва фаолияти тарихини, давлат арбоби ва олим сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган омилларни у яшаган давр ижтимоий сиёсий жараёнлари, жамият ҳаётидаги туб ўзгаришларни ёритувчи, шунингдек Бухоро тарихига доир санъатшунослик, ўлкашунослик мазмунидаги монографиялар контексти ва оз сонли махсус мақолалар таҳлили орқали ушбу мавзунинг ўрганилиш даражасини кузатиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, совет тарих фани кўрсатмалари ва қолиплари асосида яратилганига қарамай, бу тадқиқотлар катта ҳажмда манбавий ва илмий ахборотни ўзида мужассамлаштиргани билан бу мавзунини ўрганишда маълум қимматга эга.

М.Саиджонов фаолияти кечган давр ва жараён аввало замондошлари ва ҳаммаслаклари томонидан баҳоланиб, нашрларда муҳрланди⁵.

1920-1930 йилларда Бухоро тарихини ўрганиш мақсадида илмий изланишлар, археологик қазишмалар амалга оширилди, меъморий ёдгорликларни тиклаш, асраш ишлари ташкил этилди. Бу экспедициялар иштирокчилари амалга оширган тадқиқотлар натижаси бир қатор мақолаларда⁶ акс этди.

М.Саиджонов ҳаёти ва ижодининг айрим жиҳатлари шарқшунос, файласуф, адабиётшунос, археолог, музейшунос ва санъатшунослар

⁵ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926; Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. – Ташкент: 1926; Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1 том. – Тошкент: Фан, 1976.

⁶ Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. Исследование. Ремонт. Реставрация. 1920-1928 гг. – Ташкент, 1929. – 40 с.; Шишкин В.А. Архитектурные памятники Бухары. – Ташкент: Изд-во комитета наук УзССР, 1936. – 100 с.; Саиджон М. “Бухоро шаҳри ва эски бинолари” // “Маориф ва ўқитувчи” журнали. 1-қисм. Тошкент, 1927. – № 3-4. – Б. 30-35; Шу муаллиф. Шу асар // “Маориф ва ўқитувчи” журнали. 2-қисм. Тошкент, 1927. – № 9-10. – Б. 52-56.

томонидан тадқиқотлари мазмуни ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда ўрганилди⁷.

М. Саиджонов ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси ҳақидаги махсус тадқиқотлар 1965 йилда унинг шахси оқлангандан кейингина вужудга кела бошлади⁸. Бу тадқиқотлар ўзининг дастлабкилиги ва холислиги билан мавзу тарихшунослигида муҳим манба ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида тарих фани тадқиқотлари мазмун ва мақсади янгиланиб, тубдан ўзгарди. Олимларнинг жиддий изланишлари натижасида Ўзбекистоннинг совет даври тарихини янгича талқинини тақдим қилувчи рисолалар⁹, монографиялар¹⁰ яратилди. Бу ўринда мамлакат етакчи олимлари кўп йиллик изланишлари маҳсули бўлган “Ўзбекистон тарихи” 2 китобдан иборат фундаментал тадқиқот эътирофга сазовордир¹¹. Мазкур асарлар миллий тараққийпарварлар сафида шаклланиб, кейинчалик, янги совет бошқарув тизимида фаолият юритган ва шу тузум қатағон сиёсати қурбони бўлган Мусо Саиджонов шахсини тарихий жараёнлар контекстида ўрганишда муҳим ўрин тутди.

XX аср бошларида ноёб ижтимоий-сиёсий ҳодиса – жадиличиликнинг вужудга келиши сабаблари, мақсади ва мазмун моҳияти, мустақиллик учун курашда бу ҳаракат ва унинг ривожланишида миллий-озодлик мафкурасининг аҳамияти, тарихий жараёнлардаги ўрни масаласи холисона ўрганилди, ушбу ҳодисани баҳолашда янгича ёндашувлар қарор топди¹².

Мустақиллик йилларида жадиличилик ҳаракати юзага келиш сабаблари, мақсади, мазмун ва моҳиятини, жадин намояндалари, уларнинг сиёсий – маърифий ва амалий фаолиятини ёритишга биринчилардан бўлиб қўл урган

⁷ Булатов М. Мавзолей Саманидов-жемчужина архитектуры Средней Азии. – Ташкент, 1976; Ремпель Л. Далёкое и близкое: страницы жизни быта, строительного дела, ремесла и искусства старой Бухары. Бухарские записки. – Ташкент: Литература и искусства, 1981; Содикова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент, 1981; Шу муаллиф. Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент, 1975. –112 с.; Хаққулов А. Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983; Мирзаахмедов Дж. К изучению исторической топографии Бухары района мавзолея Саманидов //История материальной культуры Узбекистана. – Вып. 19. – Ташкент: Наука, 1984. – С. 221-237.

⁸ Убайдуллаев К. Мусажон Саиджонов // Гулистон. 1967. №11. – Б.15; Абдураимов М. Саиджоновнинг илмий мероси // Шарқ юлдузи. 1972. № 9. Б. 130-139; Ўша муаллиф. Ёш бўлса ҳам бош бўлган эди // Фан ва турмуш. 1974. № 4. Б. 32-33; В.Сааков, Н.Коробцов. Нарком Бухарской Республики // Советская Бухара. 1978, 27 декабрь.

⁹ Алимова Д., Голованов А. Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйик оқибатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 70 б.

¹⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида /Таҳрир хайъати: А.Азизхўжаев ва бошқ./ – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости /Научный редактор: Р.Я.Раджапова. –Ташкент: Шарқ, 2000.

¹¹ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019, – 560 б.; Иккинчи китоб. 1939 – 1991 йиллар. / Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – 576 б.

¹² Зиёев Х. Жадиждар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замини // Жадиличилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент, 1999. – Б. 9-22.; Зиёева Д. Туркистонда халқ ҳаракатлари ва жадиждар (1916 йил воқеалари мисолида) // Жадиличилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш... – Б. 146-152; Ражабов Қ. Жадиждар-истиклолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари // Жадиличилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш... – Б. 174-187; Алимова Д. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. – Ташкент: Ўзбекистон, 2000. – 24 с.; Аъзамхўжаев С. Туркистонда миллий-демократик давлатчиликни барпо этиш учун кураш // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (Жадиличилик, мухториятчилик, истиклолчилик). – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 91-97; Азамат Зиё. Жадиждар сўзи-миллатнинг кўзи // O‘zbekiston tarixi. – 2021. – №4. – Б. 12-32.

олима, Д.А.Алимованинг ушбу йўналишдаги тадқиқотлари “История как история, история как наука” икки томли монографиясининг “Феномен джадидизма” деб номланган 2-томида¹³ мужассамлашди. Қайд қилиш жоизки, мазкур монографияда М.Саиджоновиинг ҳаёти ва фаолиятига доир илмий маълумотлар ҳам ўрин олган.

Бухородаги миллий тараққийпарварлик ҳаракати¹⁴, демократик янгилашга бўлган уринишлар¹⁵ ва Бухоро республикаси тарихи¹⁶, ташқи алоқалари¹⁷ масалаларини янги илмий мезонлар, ҳужжат ва материаллар асосида ёритувчи тадқиқотлар амалга оширилди. Бухорода ХХ аср бошида кечган тарихий жараёнларни ёритишга бағишланган бу тадқиқотлар контекстида Мусо Саиджоновиинг маърифатпарварлик ҳаракатидаги, жамиятнинг демократик янгилиниши учун курашдаги иштироки, БХСРдаги фаолияти бевосита ўз аксини топди.

Мустақиллик йилларида янгича мушоҳада ва ёндашувлар асосида Мусо Саиджонов биографияси ва фаолиятига доир янги материаллар илмий истифодага киритилган бир қатор махсус ишлар вужудга келди¹⁸.

Ҳ.Тўраев Мусо Саиджоновиинг биографияси ва илмий меросини жиддий тадқиқ қилиб, бир қатор мақолалар эълон қилди¹⁹. Олим М. Саиджоновиинг “Бухоро шаҳри ва эски бинолари”²⁰ мақоласини араб

¹³ Алимова Д. История как история, история как наука. В 2-х томах. Т. II. Феномен джадидизма. – Ташкент: Узбекистан, 2009. – 184 с.

¹⁴ Эргашев Б. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма. Идеология младобухарцев. Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. Ташкент, 1993; Алимова Д. XIX аср охири – XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик // Жадидчилик: ислохот, янгилиниш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш... – Б. 83-103; Мухамеджонова Л., Алимова М. Бухорода жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Бухоро: Дурдона, 2019. – 152 б.; Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент: Muharrir, 2021. – 168 б.

¹⁵ Қосимов Ф. Бухорода миллий демократик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари // Марказий Осиё XX аср бошида... – Б. 115-118; Мухамеджанова Л.П. Общественно-политическая ситуация в Бухаре в начале XX века и развитие демократического движения (1908–1920 гг.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 1999; Алимова Д., Рашидов У. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухородаги сиёсий ҳаракатлар ва курашлар. – Бухоро: Ziyo Rizoграф, 2009. – 116 б.

¹⁶ Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар) // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий гўплам. № 2. – Тошкент, 1999. – Б.149-158; Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920–1924 й.). – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2003; Очилов М.М. Бухоро Республикасидаги иқтисодий ўзгаришлар (1920-1924 й.): Тарих фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2004, 29 б.; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт (1920–1924 й.). – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2005.

¹⁷ Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920–1924 й.). – Тошкент: Фан, 2004; Ўша муаллифлар. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Шарқ мамлакатлари (1920–1924 й.). – Бухоро, 2004; Нуридинов Т. Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташқи алоқалари (1920–1924 й.): Тарих фанлари бўйича (PhD) дисс. ... автореф. Фарғона, 2021.

¹⁸ Эргашев Б. Наследие братьев Саиджановых // Правда Востока. 27 апреля 1993года; Эргашев Б.Х., Ходжаев Л.Н. По страницам архивов (Об архиве М.Ю.Саиджанова) // Общественные науки в Узбекистане (ОНУ). – 1993. – №11-12. – С. 47-50; Саламова Ф. Архив Мусы Саиджанова: открытие и находки. Беседа с Б.Эргашевым // Бухарские известия. 20 апреля 1993 года; Казаков Б. Библиотека ученого // Бухарские известия. 9 февраля 1994 года; Горшенина С.М. Муса Саиджанов-историк, археолог, искусствовед // ОНУ. – 1995. – №1-2-3. –С. 27-29; Лунин Б.В. Мусо Саиджонов // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2000. – №1-2 (9-10). – Б.73-75; Остонова Г. Аждодлар меросини ўрганиб (тарихий меросимиз тадқиқотчиси) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2005. –№ 1. – Б. 53-54.

¹⁹ Тўраев Ҳ Мусо Сайиджоновиинг нодир икки асари // Бухоронома. 2002 3 август; Шу муаллиф. Мусо Саиджонов // Мозийдан садо. – 2014. – №1. – Б. 44-45.

²⁰ Саиджон М. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // “Маориф ва ўқитувчи” журнали. 1-қисм. –Тошкент, 1927. – №3-4. – Б. 30-35; Шу муаллиф. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // “Маориф ва ўқитувчи” журнали. 2-қисм. – Тошкент, 1927. – №9-10. – Б. 52-56.

алифбосидан кирилл алифбосига тўлалигича ўгирди. Ушбу мақола IFEAC “Иш дафтарлари” журналининг июнь ойидаги 16-махсус сонидида чоп этди²¹. Мусо Саиджонов биографияси ва фаолияти ҳақидаги янги маълумотлар А.Муиновнинг рисоласида оммабоп тарзда китобхонларга етказилди²².

А.Болтаев тадқиқотларида Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг шаклланишида Мусо Саиджоновнинг тутган ўрни, унинг бу соҳадаги ташкилотчилик фаолияти, ва коллекционерлик ишига алоҳида тўхталиб, олимнинг кутубхонаси ва коллекцияси тақдирига оид батафсил маълумотларни келтиради²³.

Таникли этнограф олима Т.А.Жданко 110 йиллиги муносабати билан чоп этилган китобда, олиманинг хотиралари ҳам жой олган бўлиб, 1930-1935 йилларда Самарқандда Ўзбекистоннинг марказий давлат музейида М.Саиджонов билан бирга ишлаган даврини хотирлаб, уни зиёли, олий маълумотли, юмшоқ феълли, юксак маданият эгаси деб таърифлайди. Улуғбек мадрасасидаги минорани тиклаш жараёнининг бевосита гувоҳи бўлган олима бу Мусо Саиджонов раҳбарлигида ва унинг ғоялари асосида янги пойдеворга қўйилиши муваффақият билан амалга оширилганлигини ёзади²⁴.

Мусо Саиджоновнинг серқирра фаолияти ва жўшқин ҳаёт йўли ҳақида, кенг китобхонлар аудиториясига мўлжалланган публицистик жанрдаги, оммабоп китоблар вужудга келди²⁵.

Мустақиллик даврида тарихий тадқиқотларнинг яна бири йўналиши Совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари масаласи мутахассислар диққат доирасидаги энг муҳим ва долзарб мавзулардан бирига айланди. Бу йўналишдаги тадқиқотлар дастлаб даврий матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолалардан бошланиб, йирик монографик асарлар даражасига етиб борди²⁶. Д.Зияева бу яратилган адабиётлар кўлами ҳақида тарихшунослик мушоҳадасини юритар экан мазкур ишлар вужудга келиш жараёнини маълум босқичларга бўлиб, ҳар бир босқич хусусиятларини ўрганилган масалалар доираси ва унинг манбавий асосини таҳлили мисолида

²¹Саиджонов М. Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари // Марказий Осиёни тадқиқ этиш француз институти. IFEACнинг “Иш дафтарлари” журнали. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Тўраев. – Тошкент, 2005.(июнь). – №16. – 54 б.

²² Муинов А. Мусо Саиджонов ҳаёти ва ижоди. – Бухоро: Бухоро, 2009. – 23 б.

²³ Болтаев А.Ҳ. XX асрнинг 20-80-йиллари Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг шаклланиши ва ривожланиши. Тарих фанлари бўйича (PhD) дисс. – Тошкент, 2021. – 157 б.; Шу муаллиф. Бухоролик букинист (китоб тўпловчи) коллекционерлар // Tamaddun silsilasi. – 2020. – № 2. – Б.16-23.

²⁴ У моря барханов, на земле такыров: сборник воспоминаний о Т.А.Жданко. – Ташкент: Издательство журнала «Санъат», 2021. – 320 с.

²⁵ Наимов Н. Маърифатга бахшида умр. Тарихий кисса. – Бухоро, 2012; Шу муаллиф. Жизнь Мусо: реформатор, политик учёный. Историческое эссе. – Бухара, 2018.

²⁶ Хасанов Б. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917-начала 50-х годов. – Ташкент, 2000. – 202 с.; Ишанходжаева З. Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953 гг.) – Ташкент: Тафаккур, 2011. – 285 с.; Германов В.А. Профессор Пулат Салиев и его время (жизнь и трагедия основателя узбекской исторической школы). – Ташкент: Фан, 2002. – С.31.

кўрсатади²⁷.

Совет қатағон сиёсатининг моҳияти ва оқибатлари унинг қурбонларига айланган БХСР собиқ раҳбарлари ва ака-ука Мухтор, Мусо Саиджоновлар ҳаётининг фожиали якуни, оиласи аччиқ қисмати ҳақидаги мақолаларда²⁸ ёритилди.

Жадидчилик ҳаракати, миллий зиёлиларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни ривожлантиришдаги ҳиссаларини тадқиқ этиш масалалари хорижий олимлар тадқиқотлари доирасида муҳим жой олди²⁹. Жадидчилик тарихига оид хорижий асарлар таҳлил этилганда, XIX аср охирлари - XX аср бошларида Бухоро амирлигида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва Ёш бухороликларнинг фаолиятини ёритишга эътибор қаратилганлигининг гувоҳи бўламиз³⁰.

Ҳозирги пайтда жадидчилик ҳаракати тарихи билан АҚШ ва Европа олимлари фаол шуғулланмоқдалар. Бу ўринда америкалик тарихчи ва антрополог олим Адиб Холиднинг тадқиқотларини алоҳида диққатга сазовор³¹. Бухоро жадидларининг интеллектуал салоҳияти ва таълим тизимини ислоҳ қилиш учун олиб борган ҳаракатларида³², Ўрта Осиёда миллий чегараланиш масалаларига бағишланган асарида Мусо Саиджоновнинг айнан мазкур масаладаги фаолияти ва жонбозлигини кўрсатиб берган³³.

Хорижий тадқиқотчилар Паоло Сартори³⁴, Сухандана Чаттерджи³⁵, Жемс Пиккет³⁶, Аллен Франк³⁷ тадқиқотларида Бухоро амирлигидаги таълим

²⁷ Зияева Д. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати: тарихшунослик ва манбашунослик масалалари // Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2012. – Б. 19-27.

²⁸ Эргашев Б. Наследие братьев Саиджановых // Правда Востока. 1993. 27 апрель; Каримов Н. Семья Саиджановых: расцвет и истребление. // Свидетели репрессий тоталитарного режима в Бухаре: архитектура и люди. Путеводитель. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2015. – С.43-48.

²⁹ Валиханова Н.С. Джадидизм: возникновение и сущность // История национальных политических партий России. – Москва, 1997. – С. 206-213; Шу муаллиф. Историография национальных движений и партий Средней Азии за период 1917-1991 гг.: Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Москва, 2001. – 39 с.; Брежнева С.Н. Передовая культура джадидов в Средней Азии в начале XX века // Вестник Оренбургского государственного университета. – 2008. – №10 (92). – С. 50-55.

³⁰ Хотамов Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. – Душанбе, 1997. – 348 с.; Шу муаллиф. Бухарские джадиды и основные этапы их деятельности. – Душанбе, 2000. – 58 с.; Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. – Худжанд, 2000; Шу муаллиф. Роль и место джадидизма в развитии просвещения и духовной культуры народов Средней Азии. – Душанбе, 2013. – 248 с.; Усмонов И. Мулк бе сиёсат пойдор намонад (Владение не станет незыблемым без политики). Душанбе: Шарқи озод, 1996. –116 с.; Бакиев М.И. История просветительского движения и свободомыслия в Средней Азии, конец XIX - начало XX века: Дисс... док. ист. наук. – Душанбе, 2000. – 282 с.

³¹ Khalid A. The Politics of Muslim Cultural Reform:Jadidism in Central Asia. University of California Press, 1998. 335 p.

³² Khalid A. Society and politics in Bukhara // Central Asian Survey, 2000. N 19 (3/4), pages 367-396.

³³ Халид А. Узбекистан: рождение нации // Журнал "Неприкосновенный запас". – 2011. – № 4 (78) <http://magazines.russ.ru/nz/2011/4/ha5-pr.html>

³⁴ Sartori P. Ijtihād in Bukhara: Central Asian Jadidism and Local Genealogies of Cultural Change // Journal of the Economic and Social History of the Orient, 2016. Vol. 59, Issue 1-2, pp. 193 – 236.

³⁵ Suchandana Ch. Modernizing education in Central Asia: limitation of jadidism in the Emirate of Bukhara // Proceedings of the Indian History Congress Vol. 61, Part Two: Millennium (2000-2001), pp. 1125-1135.

³⁶ Pickett J. The Persianate Sphere during the Age of Empires. A Dissertation Presented to the Faculty of Princeton University in Candidacy for the Degree of Doctor of Philosophy. June 2015.

³⁷ Allen J. Frank. Bukhara and the Muslims of Russia. Sufism, Education and the Paradox of Islamic Prestige. Leiden-Boston, 2012.

тизими, ислом мавқеининг юксалиши ёки тушиб кетишидаги қарама-қаршиликлар, уларнинг сабаб ва оқибатлари, XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро жаидларининг таълим тизимини ўзгартириш ва уни янги замон талаблари доирасида такомиллаштиришга қаратилган интилишлари, маданият соҳасида ўзгаришларни амалга оширишдаги фаолиятлари ўз аксини топди. Шунингдек, немис олимаси Ингеборг Балдауф, япониялик олим Хисао Коматсу асарларида ўрганилаётган мавзуга доир бир қатор қимматли маълумотлар мавжуд³⁸.

Умуман олганда, Адиб Халиддан ташқари, юқорида таҳлил этилган хорижий тадқиқотларда бевосита Мусо Саиджонов ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар келтирилмаган бўлсада, улар Бухоро жаидларининг ғоявий мақсадлари, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳамда маърифий тадбирларининг амалий аҳамиятини баҳолашда муҳим ўрин тутади.

Диссертациянинг **“Бухоро миллий таракқийпарварлик ҳаракати ва БХСР бошқарувида Мусо Саиджоновнинг тутган ўрни”** деб номланган иккинчи бобида Мусо Саиджонов биографияси, шахсининг шаклланиши, унинг Бухоро жаидчилиқ ҳаракатида ва БХСР бошқарувидаги иштироки масалалари тарихий жараёнлар билан узвий боғлиқликда ёритилган. Диссертациянинг бу бобида Мусо Саиджонов биографиясига доир маълумотлар тақдим қилинади.

1893 йилда³⁹ бухоролик қоракўлфуруш савдогар Йўлдошбой Саиджонов оиласида дунёга келган Мусо, аввал эски усул мактабида савод чиқариб, сўнг Мир Араб мадрасасида, ундан кейин Когондаги рус-тузем мактабида таҳсилни давом эттиради. М.Саиджонов 1908 йил баҳорида рус-тузем мактабини битиргач, маълум вақт мобайнида амакиси билан Марғилон ва Каркига қатнаб тижорат ишларида тажриба орттирди.

“Тарбияи атфол” жамияти ташаббуси билан Туркияда таълим олган бухоролик ёшлардан бири Абдурауф Фитрат⁴⁰ 1914 йилда Ватанга қайтгач маърифатпарварлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, миллат равнақи йўлидаги янги ғояларнинг тарғиботчиси бўлди. Келажакда А.Фитрат ўз илғор қарашлари, закоси ва ташкилотчилиги билан Мусо Саиджонов тақдирида алоҳида роль ўйнади. У устози ва тенгдошлари таъсирида маърифатпарварлик ҳаракатига кўшилди ва Ёш бухороликлар сиёсий ташкилоти ишларида ҳам фаол иштирок этиб, унинг хазинабони этиб

³⁸ Baldauf I. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World II Die Welt des Islams. 2000.-№1(41). С. 72-88; Komatsu Hisao. 20 Yuzyl baslarinda Orta Asyada Turkguluk ve devrim hareketleri. Ankara, 1993. 80 s.; Шу муаллиф. Ос Cedidci ve Degisen Donya II Turidstan'da Yenilik Hareketleri ve ihtilaller. 1900-1924. Osman Noca Anisina Inselemeler I Hazirlayan Timur Kocaogla- Haarlem-Ankara: SOTA, 2001.S. 299-313.

³⁹ К.Убайдуллаев М.Саиджоновнинг туғилган йилини 1984 йил (Бу ҳақда қаранг: Мусажон Саиджонов // Гулистон. 1967. – №11. – Б.15); Б.Луниин 1899 йил (Бу ҳақда қаранг: Мусо Саиджонов // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2000. – №1-2(9-10). – Б.73-75.); Р.Шамсуддинов эса 1898 йил дея кўрсатади (Бу ҳақда қаранг: Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 182.). Бироқ, бошқа ишончли (Мусо Саиджоновнинг таржимаи холи. Қўлёзма. 1923 й.) манбаларда 1893 йил, декабрь ойи эканлиги аниқланган (Бу ҳақда қаранг: В.Сааков, Н.Коробцов. Нарком Бухарской Республики // Советская Бухара. 27 декабря 1978 года; Наимов Н. Маърифатга бахшида умр. Тарихий қисса. – Бухоро, 2012. – Б.10). Унинг туғилган куни тўғрисида аниқ маълумот мавжуд эмас, ҳатто унинг яқин қариндошлари, авлодлари берган маълумотларда ҳам бу сана номаълумлигича қолган.

⁴⁰ Аҳмад С. Ватан учун туғилган // Шарқ юлдузи. – 2008. – № 5-6. – Б. 118-143.

тайинланди⁴¹. Мусо Саиджонов 1914 йилда Бухорода очилган китоб савдоси ва нашриётчилик билан шуғулланувчи “Ширкати Баракат” номидаги ширкат қошидаги “Маърифат” номли кутубхонасида ишлади ва кейинчалик унга мудирлик қилди⁴².

1917 йилда Россияда рўй берган Февраль инқилобининг ғалабаси Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликлари халқлари томонидан хурсандчилик билан қарши олинди⁴³. Жамият ҳаётида ислохотлар ўтказиш фурсати етганлигига умид уйғотди. Тошкент жадиidlари 1917 йил февраль воқеаларидан сўнг тузилган “Шўрои Исломия” ташкилотининг 14 мартда бўлган умумий йиғинида 15 кишидан иборат раёсати шакллантирилди. Унинг таркибига Абдулвоҳидқори, Мунаввар Қори, Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқаев, Аҳмад Заки Валидий ва жадиidlар партиясининг бошқа йирик намоёндалари киритилган эди⁴⁴.

Бу жараёнлар Бухорода ҳам амалий тадбирларга киришиш вақти етганлигини кўрсатиб, демократик кучларни бирлаштиришда омил бўлди. Шу муносабат билан махсус йиғилиш ўтказилиб, унда Марказий Қўмитанинг янги таркиби сайланди⁴⁵. Марказий қўмитага Абдулвоҳид Бурҳонов, Абдурауф Фитрат, Муҳитдин Рафқат, Усмонхўжаев, Атоулло Хўжаев, Аҳмаджон Абдулсаидов, Файзулла Хўжаев ва Ҳамид Хўжаев, Мусо Саиджоновлар киритилди. У вужудга келган вазиятда қуроли ҳаракатлар беҳуда қурбонлардан бошқа натижага олиб келмайди, деган фикрда эди ва кўпроқ тинчлик ва муросасозлик йўлини тутиш тарафдори бўлди. Таракқийпарварлар Ф.Колесов бошчилигидаги қуроли кучларга таяниб, 1918 йилнинг мартада Бухорога хужум қилиб, мағлуб бўлишди. Колесов воқеалари оқибати Ёш бухороликлар партиясига катта сабоқ бўлди, улар хатога йўл қўйганликларини тушуниб етдилар⁴⁶. Ёш бухороликларнинг қолган фаол аъзолари ушбу воқеалардан кейин яширинча фаолият олиб бориб, зимдан ҳаракат қилдилар. Уларнинг қирғиндан қутулиб қолган асосий қисми кўшни ҳудудларга кўчиб ўтди. Шулар қаторида Мусо Саиджонов ҳам бор эди.

Мусо Саиджонов дастлаб Когон ва Тошкентда, сўнгра Хўжандда, кейинчалик Самарқандда маърифий фаолият билан шуғулланди⁴⁷. Тошкентда уч ой таълим ва тарбия курси (ўқитувчилар семинарияси)да ўқиди. Хўжандда тоғасиникида яшаб биринчи босқич мактабларидан бирида янги очилган бадий ҳаваскорлик тўғарагига раҳбарлик қилди. Шунингдек бошланғич мактабда муаллимлик қилиш билан бирга театр ва тўғарақлар ишини олиб

⁴¹ Мусо Саиджоновнинг таржимаи ҳоли. Автографдан фотонусха. 1923 йил. М.Саиджонов шахсий архиви. Хужжатнинг асли Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси канцелярияси Архивида сақланади. Хужжат Архивдан Мусо Саиджоновнинг набираси Ш.Саиджонов томонидан ўрнатилган тартибда олинган.

⁴² “Ўзбекистон осори атика ва санъат биноларини муҳофаза қилиш бўйича Самарқанд қўмитаси” справкиси. 1935 йил, 22 апрель. Самарқанд. Асл нусха. Мусо Саиджоновнинг шахсий архиви; М.Саиджоновнинг таржимаи ҳоли нусхаси.

⁴³ Ўзбекистон тарихи. Биринчи китоб. (1917-1939 йиллар). – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 97.

⁴⁴ Наимов Н. Маърифатга бахшида умр. Тарихий қисса. – Бухоро, 2012. – Б.71.

⁴⁵ Хўжаев Ф. Танланган асарлар. I том. – Тошкент, 1976. – Б.104.

⁴⁶ Ўша жойда. – Б.161.

⁴⁷ Мусо Саиджоновнинг таржимаи ҳоли нусхаси.

борди. У 1920 йилнинг бошларида Самарқандга оиласи билан кўчиб келиб, таълим ва тарбия курсида ҳам муаллимлик қилди⁴⁸.

Колесов воқеаларидан кейин муҳожирликда яшашга мажбур бўлган ёш бухороликлар 1920 йилда амирлик тузумини ағдариш мақсади йўлида яна бирлашдилар. Натижада 1920 йилги амир ҳукуматининг ағдарилишида биргаликда иштирок этдилар. 1920 йил 14 сентябрь куни Бухоро Марказий Инқилобий кўмитаси ва Халқ нозирлар кенгаши таркиби тасдиқланди. Файзулла Хўжаев раислигида 11 кишидан иборат ҳукумат - Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси шаклланди⁴⁹. Мусо Саиджонов Бухоро республикаси ҳукумати таркибида у тугатилгунга қадар бир нечта нозирликларни бошқарди. У Озиқ-овқат нозири сифатида иш бошлаб, Иқтисодиёт нозири муовини, 1921 йилнинг август-октябрь ойларида Фавкулудда комиссия раиси (ЧК), 1921 йилнинг октябрь ойидан 1922 йилнинг январигача Давлат назорат комиссиясининг раиси, февраль-апрель ойларида Молия нозири ва 1923-1924-йилларда Маориф нозири лавозимларида ишлади⁵⁰. Мусо Саиджонов бу масъулиятли лавозимларда қисқа муддат ишлаганига қарамай, ўзига юклатилган вазифаларни фидоийлик билан бажаришга ҳаракат қилди.

1921 йилдан Иқтисодиёт нозирининг ўринбосари лавозимига тайинланган Мусо Саиджоновга давлат мулкани рўйхатга олиш ва сақлаш вазифаси топширилиб⁵¹, нозирликнинг 1921 йил 13 майдаги дастлабки йиғилишида Давлат иқтисодий мулкани рўйхатга олиш ва сақлаш масаласи юзасидан қоракўл, пахта, жун маҳсулотлари каби қимматли саноат молларига жавобгарлик юклатилди. БХСР раҳбарияти Марказдаги совет ҳукуматининг тазйик ва пўписаларига қарамасдан, ўша пайтда қисқа муддат ичида издан чиқаёзган республика иқтисодиётини қайта тиклаш билан чекланмай, Европа ва Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатлар ўрнатган, фойдали савдо-сотик алоқаларини олиб борган⁵².

1921 йил 26 июлда Иқтисодиёт нозирлигининг Мусо Саиджонов раислик қилган навбатдаги йиғилишида ўлка аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим чора-тадбирлар белгиланиб, Россия ҳудудига чиқариладиган маҳсулотни етказиш масаласининг қийинлиги ҳақида ҳам фикр билдирилган⁵³. Мусо Саиджонов билдирган таклифлар товар айирбошлаш масаласида юзага келган баъзи муаммоларни бартараф этишда ҳал қилувчи ўрин тутган. Унинг ёзишича⁵⁴, Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги бошлиғи ўринбосари бўлган А.Введенский томонидан икки мамлакат ўртасидаги мол айирбошидан Бухоро халқи фоят манфаатдор эканлигини кўрсатиш мақсадида маълумотлар

⁴⁸ Мусо Саиджоновнинг таржимаи ҳоли нусхаси.

⁴⁹ Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар) // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар... – Б.149.

⁵⁰ Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринларда -Ўз МА). Р-48-фонд, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 115-варақ; Ўз МА. Р-56-ф. 1-р. 91-йж, 90-в.; Ўз МА. Р-47-ф. 1-р. 644 -йж. 47-в.

⁵¹ Ўз МА. Р-48- ф. 1-р. 19- йж. 115-116- в.

⁵² Очиллов М. Бухоро Республикасидаги иқтисодий ўзгаришлар (1920-1924 й.): Тарих фанлари номз. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 2.

⁵³ Ўз МА. Р-48- ф. 1-р. 19- йж. 279 -в.

⁵⁴ Саиджонов М. Иқтисод: ҳақиқатдан йироқ ҳисоблар // Бухоро ахбори. 1921. 3 июль.

қалбакилаштирилган ва БХСРнинг бундан катта иқтисодий манфаат кўрганлигини рақамлар билан асослашга уринган мақоласи чоп этилган⁵⁵. Орадан кўп ўтмай, Бухоро Республикасида иқтисодий масалалар билан шуғулланаётган Мусо Саиджонов ушбу мақолага раддия ёзиб⁵⁶, Бухоро бозоридаги маҳсулотларнинг асл нархлари, маҳсулот таннархи, бозор қиймати, ундан оладиган даромад ҳамда уларнинг Россия томонидан сотиб олинишга мўлжалланган нарх-навонинг кўрсаткичларини аниқ белгилаб, таққослаб берди. Бу унинг иқтисодиёт масалаларини чуқур таҳлил қила оладиган билимдон, халқ ва давлат манфаати тўғрисида сўз борганда, ўз эътирозларини очик баён эта олишга қодирлигини кўрсатди.

Мусо Саиджонов 1921 йил августидан Фавқулудда комиссия⁵⁷ раиси вазифасини бажаришга киришиб, Ф.Хўжаевнинг илтимоси ва талабига биноан, Шарқий Бухорода тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилди. Совет ҳокимияти олиб бораётган сиёсат одамлар орасидаги ижтимоий муносабатлар, бир-биридан ўч олиш мақсадига қаратилган тухмат ва иғволар натижасида жамиятда носоғлом муҳит вужудга келиб, ноҳақ жазолашлар қўлланила бошланди. Бу ҳолатлар сабаб Мусо Саиджонов ўз хоҳишига кўра Фавқулудда комиссия раиси лавозимидан воз кечиш тўғрисида бир неча бор Бухоро ҳукуматиغا мурожаат қилди. 1922 йилнинг августида БХСР Нозирлар кенгаши Фавқулудда комиссия фаолиятини тугатиш ва унинг ходимларини милиция органлари шахсий таркиби билан бирлаштириб, ҳукумат ҳузуридаги Республикани муҳофаза этиш бўлимини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилди⁵⁸.

Шундан сўнг молия ишлари нозирлари этиб тайинланган Мусо Саиджонов янги нозир сифатида ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ республика бюджетининг ҳисобини олиб бориб, маблағларни оқилона тақсимотини ташкил этиш билан шуғулланди⁵⁹. У шунингдек республикада молиявий фаолиятни қайта ислоҳ қилиш ташаббуси билан чиқди ва давлат хазинасига кирувчи асосий манба ҳисобланган солиқ тизимини ҳам ўрганишга ҳаракат қилди. 1922 йилнинг 18 августида бўлиб ўтган III Бутун Бухоро Қурултойида республиканинг бюджети аҳволи юзасидан қилган маърузасида республиканинг шу пайтгача бўлган даври мобайнидаги молиявий ҳолатидаги тартибсизликларнинг баъзи сабабларни кўрсатиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича асосли таклифларни тақдим қилди. Мусо Саиджоновнинг мазкур чиқиши иқтисодий соҳани сезиларли даражада такомиллаштиришга хизмат қилганлигини кейинчалик вақт тасдиқлади.

1923 йил 1 июлдан Маориф нозирлари этиб тайинланган М.Саиджонов⁶⁰, дастлаб ишни маориф тизимининг иқтисодий ҳолатини ўрганиш ва таълим-

⁵⁵ Бирок, М.Саиджоновнинг маълумотига кўра берилган “Экономическая жизнь” газетасининг 1921 йил сонларида А.Введенскийнинг “Русия ва Бухоро” номли мақоласи учрамади.

⁵⁶ Саиджонов М. Иқтисод: ҳақиқатдан йироқ ҳисоблар // Бухоро ахбори. 1921. 3 июль.

⁵⁷ Мусо Саиджоновнинг таржимаи ҳоли нусхаси.

⁵⁸ К ликвидации Чека и Главмилиции // Известия Всебухцика и Центрального комитета Бухарской Коммунистической партии. 1922. 15 август. № 90.

⁵⁹ Доклад М.Саиджанова о бюджете Бухреспублики. Третий Всебухарский Курултай // Известия Всебухцика и Центрального комитета Бухарской Коммунистической Партии. 1922. 9 сентябрь. № 100.

⁶⁰ Ўз МА. Р-56- ф. 1-р. 91 -йж. 90-в.

тарбия ишларига Бухоронинг энг зукко кишиларини жалб қилишдан бошлади. У Бухоро халқ маориф тизими ва нозирлик олдиди турган муаммоларни тўлиқ ўрганиб чиқди ва уларнинг ечимини ислохотларда кўрди. 1923 йилнинг августида республикада маориф соҳасини ислох қилиш хусусида ўтказилган курултойда Мусо Саиджоновнинг Бухорода халқ маорифи тизимининг аввалги ва ҳозирги пайтдаги олиб борилаётган ишлари ҳақидаги маърузасида ислохотларни нозирлик бошқаруви штатлари сонини қисқартириш ҳисобига янги тузилмалар ташкил этишни таклиф этди⁶¹. Мактабларда таълим савиясини ошириш учун етарли миқдорда ўқув адабиётлари ва дарсликлар билан таъминлаш, ўқув қўлланмалари чоп этиш ҳажминини ҳам кескин кўпайтириш зарурати туфайли нозирлик тизимининг барча соҳаларида ходимлар сони қисқартирилганлигига қарамай алоҳида ноширлик бўлими ташкил этилди ва малакали мутахассислар билан таъминланди. Мусо Саиджоновнинг ўзи маориф тизимидаги “Маориф ва маданият” номли журнал фаолиятини ҳам самарали бошқариб борди⁶². Мусо Саиджонов Маориф нозирини бўлиш билан бир вақтнинг ўзида Бухоро Марказий ижроия қўмитасининг масъул котиби (1924)⁶³ вазифасида ҳам фаолият юритди. У БХСРни тугатиш бўйича комиссия ишида қатнашиб, Бухоро ижроия қўмитасининг архив ҳужжатларини бус-бутунлигича сақлаб қолиш ва уларни давлат архивига белгиланган тартибда топшириш ҳамда келгусида муҳофаза қилиш ишларига⁶⁴ бошчилик қилди⁶⁵.

Диссертациянинг **“Мусо Саиджоновнинг тарих фани ва ўлкашунослик ривожига кўшган ҳиссаси. Унинг қатағон қилиниши”** деб номланган учинчи бобида Мусо Саиджоновнинг Ўзбекистон тарих фани ва ўлкашунослиги ривожигадаги роли, олимнинг шахсий кутубхонаси ва архиви тавсифи ҳамда унинг совет ҳукумати томонидан қатағон қилиниши масалалари ёритилган. Мусо Саиджонов шаҳарнинг осори атиқаларини муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий меросини сақлаш ҳамда келгуси авлодларга етказишда жонбозлик кўрсатди. Мусо Саиджоновнинг шахсий ташаббуси ва таклифи билан 1924 йилнинг октябрь ойида Туркомстарис⁶⁶ тизимида Бухоро бўлими комиссияси (Бухкомстарис) ташкил қилинди⁶⁷ ва Низоми ишлаб чиқилди⁶⁸. У 1924 йилнинг сентябрь – октябрь ойларида Бухородаги меъморий ёдгорликлар ҳолатини ўрганиш бўйича махсус комиссия ишига раислик қилди. Москвадан Бухорога экспедицияга юборилган архитектор М. Гинзбург ва В.Владимировлар билан ҳамкорликда

⁶¹ Саиджонов М. Бухоро халқ маорифи // Озод Бухоро. 1923. 25 октябрь. 4-сон.

⁶² “Маориф ва маданият” журнали / Бухоро ш. Масъул муҳаррир М.Саиджонов. Журнал 1923-1924 йиллардагина нашрга чиққан ва Бухорода маориф нозирлиги муассислигида эски ўзбек ёзувида чиқарилган, ҳозирда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида журналнинг жами 3 та сони сақланади. Худди шу номдаги бошқа бир журналнинг 1926 йилдаги нашри Боку (Озарбайжон)да чоп этилган, журналнинг айрим сонлари ҳозирда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мавжуд.

⁶³ История Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.). Сборник документов. – Ташкент: Фан. 1976. – С. 275.

⁶⁴ Ўз МА. Р-68- ф. 1- р. 28- йж. 8- в.

⁶⁵ Ҳозирги кунда бу ҳужжатлар Ўзбекистон Миллий архиви фондларида сақланмоқда.

⁶⁶ Туркистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитаси.

⁶⁷ Ўз МА. Р-394-ф. 1-р. 93-йж. 8-в.

⁶⁸ Ўша ҳужжат. 4-в.

йирик меъморий ёдгорликлардан бўлган Баёнқулихон (Фатхобод), Султон Исмоил мақбаралари, Абдулазизхон, Мир Араб, Улуғбек, Абдуллахон, Модарихон ва Хиёбон мадрасалари, Лаби-ховуз майдони⁶⁹ ва шу каби бошқа архитектура ёдгорликларидан жами 40 тасининг ҳолатини ўрганилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди, уларнинг сақланиш даражаси юзасидан хулосалар тузилди⁷⁰. Бундай экспедиция ишини Средазкомстарис миқёсида ва уни маҳаллий олимлардан айнан Мусо Саиджонов раҳбарлигида ташкил этишга қарор қилинди⁷¹.

Мусо Саиджонов ҳукумат аъзоси сифатида 1924 йил 6 ноябрда Бухоро амирининг ёзги саройи Ситораи Моҳи Хосадаги ёнғин оқибатларини бартараф этиш ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмалари⁷², 1924 йил 21 декабрда ўрта асрларга оид Гавкушон мажмуасининг бузилиб, ўрнига театр биносини қурилишига йўл қўймаслик чораларини кўрган ҳолда уни сақлаб қолишдаги ишлари⁷³ айниқса диққатга сазовордир.

1921-1927 йилларда Мусо Саиджонов Бухкомстарис илмий котиби Б.Буткевичнинг ташаббуси билан Бухорода Ўлкашунослик музейи, Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилояти оммавий кутубхонасининг ташкил этишида бошчилик қилган⁷⁴. Жумладан, Ўз МАНинг тарихий давр фондлари ичида энг қимматли ва мазмунан бой бўлган “Бухоро амирлиги Қўшбегиси маҳкамаси” (“Канцелярия Кошбеги Эмира Бухарского”) фонди (И-125)⁷⁵ ҳужжатлари дастлаб, 1926 йилда Мусо Саиджоновнинг иштироки ва шахсий ташаббуси билан бир жойда тўпланиб, жамланган, кейинчалик тегишли архив идораларга топширилиши ташкил этилди⁷⁶.

1928 йилда Мусо Саиджонов Узкомстарис⁷⁷ раиси этиб тайинланиши муносабати билан Самарқандга⁷⁸ кўчиб ўтди. Узкомстарис раҳбари сифатида бутун республика бўйича тарихий ва меъморий ёдгорликларни ўрганиш ишини ташкил қилди⁷⁹. Мусо Саиджонов Самарқандда илмий-педагогик фаолият ҳам олиб борди⁸⁰. Узкомстарис раислигида 1932 йилгача ишлади,

⁶⁹ Ўз МА. Р-394-ф. 1-р. 92-йж. 4-12-вв.

⁷⁰ “Средазкомстарис” ҳужжатларидан. 1924 йил. Ҳужжат варақлари рақамланмаган. Республика маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш қўмитаси идоравий архиви; Ўз МА. Р-394-ф. 1-р. 92-йж. 4-12-вв.

⁷¹ Ўз МА. Р-394-ф. 1-р. 133-йж. 188-в.

⁷² Горшенина С.М. Муса Саиджанов-историк, археолог, искусствовед...

⁷³ Ўз МА. Р-394-ф. 1-р. 93-йж. 2-в.

⁷⁴ Горшенина С.М. Муса Саиджанов-историк, археолог, искусствовед...

⁷⁵ “Бухоро амирлиги қўшбегиси маҳкамаси” архив фонди 1988 йилда тўлалигича ЎзМАНинг алоҳида қимматли ҳужжатлари таркибига киритилган. Бугунги кунда фондда жами 9,5 мингга яқин йиғмажилдларда шарқ тилларидаги архив ҳужжатлари сақланиб, улар Бухоро амирлигининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тарихини ёритишда муҳим манба саналади.

⁷⁶ Ўз МАНинг жорий архиви. Ҳисоб ҳужжатларидан олинган маълумот.

⁷⁷ Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитаси.

⁷⁸ 1925-1930 йилларда Самарқанд шаҳри Ўзбекистоннинг пойтахти бўлган.

⁷⁹ Бу пайтгача (1928 йилнинг охиригача) Узкомстарисни В.Л.Вяткин бошқариб келган эди, кейин бу лавозим М.Саиджоновга топширилиб, В.Л.Вяткин унинг ўринбосари этиб тайинланди (Қаранг: Горшенина С.М. Муса Саиджанов-историк, археолог, искусствовед...)

⁸⁰ У Самарқанддаги Сталин-Покровский номидаги ишчилар факультетида 1931 йил февраль ойидан 1933 йил 16 январгача география ва она тили фанидан дарс берди (“Самарқанддаги Сталин-Покровский номидаги ишчилар факультети томонидан 1933 йил 15 июнда берилган 305-а сонли маълумотнома”дан. Асл нусха. Самарқанд. 1933 йил. М.Саиджоновнинг шахсий архиви)

сўнг Узкомстарис фаолияти Тошкентга кўчирилганлиги сабабли Самарқанд музейи ва Самкомстарис бошқаруви Мусо Саиджоновга топширилди⁸¹ ва у хибсга олингунга қадар шу ташкилотларда фаолият юритди.

Олимнинг илмий изланишлари натижасида 1927 йилда унинг “Бухоро шахри ва эски бинолари”⁸² деб номланган 2 қисмдан иборат тадқиқоти араб имлосида ўзбек тилида чоп этилди⁸³. Унда Бухоронинг ўрта асрлардаги тарихий топографиясига оид қимматли маълумотлар келтирилган. Мусо Саиджонов Амир Темур ва темурийларнинг Самарқанддаги хонақоси Гўри Амир мақбарасига бағишланган тадқиқотини тарихий манбаларда акс этган маълумотларни бир-бирига таққослаши ва таҳлил қилиш асносида, танқидий нуқтаи назардан ўрганиб, яратди⁸⁴.

Мусо Саиджонов таржимонлик билан ҳам шуғулланган, хусусан “Кичик Қандия”ни В.Л.Вяткин томонидан форсчадан рус тилига қилинган таржимаси устида ишлаб, рус тилидан араб алифбосидаги ўзбек тилига таҳлилий таржима қилганлиги унинг илмий қизиқишлари доирасининг кенг камровли эканлигини кўрсатади⁸⁵.

Мусо Саиджонов 1935 йил 11-18 сентябрь кунлари Ленинградда ўтказилган шарқшуносларнинг халқаро конгрессига маҳаллий олимлардан таклиф қилинган биринчи вакиллардан бўлди. У мазкур халқаро конгрессда рус тилида “Новые факты о памятниках Самарканды” (Самарқанд ёдгорликлари ҳақида янги фактлар) мавзусида маъруза қилди ва Самарқанддаги Кўчкинчихон мақбараси тарихи ва унинг номланиши билан боғлиқ бўлган, тарихий далилларга асосланган маълумотлари⁸⁶ билан барчанинг эътиборини қозонди⁸⁷.

Мусо Саиджонов нодир китоблар, қўлёзма ҳужжатлар тўплаб, улардан ўзининг шахсий кутубхона фондиди яратишга ҳам муваффақ бўлди. Бироқ, унинг шахсий ҳужжатлари ва кутубхонаси 1937 йилдан кейин тарқалиб кетиб, бу материалларнинг бир қисми ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида⁸⁸, Бухоро давлат музей-қўриқхонаси - Арқда⁸⁹, асосий қисми Давлат

⁸¹ Горшенина С.М. Муса Саиджанов-историк, археолог, искусствовед...

⁸² М.Саиджон. Бухоро шахри ва эски бинолари // “Маориф ва ўқитувчи” журнали. 1-қисм. – Тошкент, 1927. – №3-4. – Б. 30-35; Шу муаллиф. Шу асар // “Маориф ва ўқитувчи” журнали. 2-қисм. – Тошкент, 1927. – №9-10. – Б. 52-56.

⁸³ Кейинчалик тарихчи олим Х.Тўраев томонидан бу асар рус ва ўзбек тилларида ИФЕАКнинг “Иш журнали” сериясида №16 (июнь 2005 й.) чоп этилди.

⁸⁴ Мусо Саиджон. Гўри Амир // “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 1929 йилнинг 4-сонига илова. – Тошкент, 1929. – 28 б.

⁸⁵ Eski Samarqand. Mutarjim – Musa Sayid jan // “Маориф ва ўқитувчи” журнали. – 1930 й. – №6-7 сонлар. – Б.43-47.

⁸⁶ Saidjonov M. Yu. Samarqanddagi "Childuxtaron" maqbarasining tekshiriluvchi // Sotsialistik fan va texnika. – 1935. – №5. – Б. 83-85.; Шу муаллиф. Обследование усыпальницы Чильдухтарон в Самарканде // Социалистическая наука и техника. – 1936. – №3. – С. 92-94.

⁸⁷ Ўшанга қадар ушбу мақбара бошқача талқин қилиниб, «Чилдухтарон мақбараси» деб номланар эди. М.Саиджонов эса бу хатоликни аниқ далиллар билан илмий нуқтаи назардан исботлади ва бунинг учун Эрмитажда ўтказилган ушбу конгрессда унга рамзий профессор унвони берилди.

⁸⁸ Собрание восточных рукописей Академии наук УзССР (Кейинги ўринларда – СВР). Т.6. – Ташкент, 1963. – С. 28; СВР. Т.8. – Ташкент, 1967. – С. 31-32, 36-38, 40, 65-66, 101, 215; СВР. Т.11. – Ташкент, 1987. – С. 100.

⁸⁹ Покровский М. Рус культураси тарихи парчалари. Қозон, 1924; Шу муаллиф. Қисқача рус тарихи. Тошкент, 1927; Соғлиқни сақлаш билимлари - Санитарное просвещение. И.К. Сейфулмуллонов тахрири остида. Тошкент, 1926; Фалсафа исломиядан тўртинчи жуз. Уфа, 1910; Оғозода Фарход. Не учун араб

хавфсизлик хизмати архивида, баъзилари олимнинг авлодлари кўлида, шахсий кутубхона ва архивлар фондида ҳамда музей ва кутубхоналарда сақланмоқда⁹⁰.

Мусо Саиджонов ҳаёти давомида ўзининг шахсий ҳужжатларини ҳам оқилона тўплаб бориб, уларни кичик архив сифатида шакллантирган. Мусо Саиджоновнинг нашр этилмаган, Самарқанд меъморчилиги тарихига оид бўлган, хорижликлар учун йўлқўрсаткич сифатида тайёрланган “Самарқанднинг архитектура ёдгорликлари” номли кўлёзма асарига Е.Скорляков ва М.Массонлар томонидан ёзилган тақриз⁹¹ айнан шу архивнинг қимматли материалларидан ҳисобланади.

Олимнинг йирик тадқиқотларидан яна бири бу “Шайх Сайфиддин Боҳарзий вақфномаси” бўлиб, бу вақфнома⁹² ноёб ҳужжатлар сирасига киритилган ва ҳозирда ЎзМА И-323 фонди таркибида сақланади⁹³. Таъкидлаш жоизки, М. Саиджонов “Шайх Сайфиддин Боҳарзий вақфномаси”ни О.Д.Чеховичдан⁹⁴ ҳам аввалроқ, яъни 1936 йилдаёқ тўплаб, уларнинг учала нусхаси билан ҳам танишиб чиққан.

Маълумки, XX асрнинг 20-30 йиллари тарих саҳифаларига совет давлатининг социализм ғалабасини таъминлаш ва ўз қудратини мустаҳкамлаш йўлида энг машъум восита – қатағон сиёсатини амалга ошириши жараёнлари билан муҳрланди. 1937 йилда бухоролик жадидлардан 17 нафари Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида совет режими томонидан қамокқа олиниб, уларга турли айблар қўйилди. Улар орасида Мусо Саиджонов ҳам бор эди⁹⁵.

Мусо Саиджонов устидан олиб борилган тергов жараёнида унинг ишида Ёш бухороликлар сиёсий ҳаракатидаги иштироки назардан четда қолмади. Ва ҳатто бунга оид рус махфий агентларининг тўплаган маълумотлари ҳам жалб қилинди. Мусо Саиджоновга айбловлар қўйишда айрим мақолаладаги⁹⁶ музейлар экспонатларида совет тарихи бузиб кўрсатилгани, айрим экспонатлар эса жадидларнинг ўз миллий ғояларини тарғиб қилишга қаратилганлиги, амир Бухоросининг озод этилишида Россия пролетариати

харфларини турк тилида ёзамиз (Йили номаълум); Ўғлима. (“Воспитание политической и общественной морали”). Техрон, Ҳижрий 1325; Исмоил Ҳикмат. Турк адабиёти тарихи. Баку, 1925; Али Раҳим Азиз. Тотор адабиёти тарихи. Қозон, 1924; Шу муаллиф. Тотор адабиёти тарихи. Қозон, 1925; Абдурахмон Саидий. Тотор адабиёти тарихи. Қозон, 1926; Абдурахмон Саидий. Тил, адабиёт, ёзув. Қозон, 1926; Неъмат Ҳаким. Исломия диннинг келиб чикуви. Қозон, 1926; Аъло Худоёров. Илмий коммунизм. Қозон, 1924; В.И. Ленин. Государство и революция. – Москва, 1924.

⁹⁰ Саламова Ф. Архив Мусы Саиджанова: открытие и находки // Бухарские известия. 20 апреля 1993 года.

⁹¹ Тақриз Мусо Саиджоновнинг шахсий архивида сақланади.

⁹² Ўз МА. И-323-фонд, 1-рўйхат. Йиғмажилд рақами мавжуд эмас.

⁹³ 159 варақли йиғмажилднинг устида “Мусо Саиджонов” деб ёзилган. Айтиш жоизки, ҳозирда ЎзМА фондида Мусо Саиджонов ҳаёти ва фаолиятига доир алоҳида шахсий фонд мавжуд эмас. “Шайх Сайфиддин Боҳарзий вақфномаси” мазкур фондда сақланаётган ягона асар бўлиб, у Мусо Саиджоновнинг кўлёзма ҳуқуқидаги вақфнома ҳужжати ҳисобланади.

⁹⁴ Чехович О.Д. Бухарские документы XIV века. – Ташкент, 1965. – 330 с.; Ўз МА. Р-2678-ф. 1-р. 207-йж. 1-2-варақлар.

⁹⁵ Қаранг: Ўзбекистон тарихи. Биринчи китоб. (1917-1939 йиллар)... – Б. 466; ЎзССР НКВД ҳузуридаги махсус тройка қарори билан 1937 йил 14 октябрда уларнинг барчаси отишга ҳукм қилинди ва 1937 йил 25 октябрда Тошкент шаҳрида ҳукм ижро этилди.

⁹⁶ Кугель Ю., Богомольный М., Прокофьев Н. Под сводами старой мечети...// Правда Востока. 18 августа 1934 года.

ёрдамнинг ҳеч бир жойда акс эттирилмаганлиги, музей ходимлари ва раҳбариятининг бу ишларга лоқайдлиги қаттиқ танқид қилинган ҳолатлардан ҳам фойдаланилди. Бунинг натижасида Бутуниттифоқ коммунистик партияси Марказий қўмитасининг Ўзбекистондаги партия назорати бўлими томонидан 1934 йил 11 сентябрда махсус қарори⁹⁷ қабул қилинди⁹⁸.

1936 йилнинг охирларида Ф.Хўжаев ташаббуси билан Бухоро тарихини ўрганиш бўйича алоҳида комиссия тузилиб, унга раисликка А.Фитрат, адабий котибликка М.Саиджонов тайинланди. У қисқа муддатда бу хусусда мавжуд кўпдан кўп адабиётларни таҳлил қилиб, Бухоро тарихига оид катта асар яратди. Тергов жараёнида⁹⁹ Мусо Саиджоновга бу китобга жалб этилган материаллар Бухоро аҳолисининг инқилобгача бўлган ҳаётини афзалроқ тасвираб, бу билан совет тузумининг халқлар тақдиридаги аҳамияти атайин камситиб кўрсатишга йўналтирилганлиги каби сохта айбловлар қўйилди¹⁰⁰. БХСРнинг қамоққа олинган собиқ раҳбар ходимлари давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлими (Лацес) тақдим этган 615-сонли иш бўйича, 17 киши, улар қаторида Мусо Саиджонов ҳам олий жазо – отувга ҳукм қилинди¹⁰¹.

1965 йил 22 сентябрда ЎзССР Олий судининг жиноий ишлар бўйича суд ҳайъати ўша мудҳиш “учлик”нинг 1937 йил 14 октябрда 17 нафар ўзбек миллий арбоблари ҳақида чиқарган ҳукмини бекор қилди, улар фаолиятида жиноят таркиби йўқлиги исботланди. Уларнинг барчаси, жумладан Мусо Саиджонов ҳам қонуний йўл билан оқланди. 1965 йил 17 декабрда Ўзбекистон Олий суди “М.Саиджоновнинг ҳатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги ва унинг номи буткул оқланганлиги”ни расман маълум қилди¹⁰².

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, асоссиз равишда айбланган, турли жазо чоралари қўлланилган қатағон қурбонларининг номлари тўла оқланди. Шулар қаторида маърифатпарвар, моҳир давлат арбоби, зукко олим, миллатнинг муносиб фарзанди Мусо Саиджонов номи ҳам қайта тикланди. Бу сиёсатнинг кўплаб қурбонлари каби унинг ҳам хоки 2000 йил 12 майда очилган “Шаҳидлар хотираси” мажмуасидан жой олди.

⁹⁷ “О буржуазном извращении отображения истории революции в Бухарском и Самаркандском музеях и засоренности кадров музейных работников” номли 37-сон қарори // Правда Востока. 16 сентября 1934 года.

⁹⁸ Унга кўра, музейлар тизимида бир қанча ислохотлар қилишга доир вазифалар белгиланиб, баъзи раҳбар ходимларнинг ишдан четлатилиши ҳам кўрсатилди. Шулар қаторида ўша пайтда Самкомстарис раиси, шу билан бир пайтда Самарқанд музейи раҳбари бўлган Мусо Саиджоновни Узкомстарис тизимидаги ишларини таъминламаганлиги учун қўмита раиси лавозимидан қуйи лавозимга ўтказиш, Бухкомстарис раиси Шишкинни эса лавозимидан озод этиш тўғрисида буйруқ имзоланди.

⁹⁹ Адабиётшунос С.Аҳмедов изланишлари давомида Ф.Хўжаев, А. Фитрат қаторида Мусо Саиджоновнинг ҳам қатағон қилинишига оид бўлган бир ҳужжатни аниқлаган. Ушбу архив материали адабиётшунос С.Аҳмедов томонидан диссертантга ихтиёрий равишда тақдим этилган. - Муҳиддин Ҳакимов (Рифқат), И.Садриев ва бошқаларнинг жиноий ишидан.

¹⁰⁰ Шунингдек, у миллатчиликда, аксилинқилобий ташвиқот юритганликда, “Миллий иттиҳод” ташкилотининг хорижий бюросини ташкил этиш мақсадида одамлар ва маблағларни Афғонистонга ўтказишни тайёрлаганликда, Германия ва Афғонистон консулликлари билан “яширин алоқа ўрнатганликда” ҳам айбланган (Бу ҳақда қаранг: Қатағон қурбонлари. Хотира (Бухоро вилояти). – Бухоро, 2009. – Б. 16.)

¹⁰¹ Қатағон қурбонлари. Хотира (Бухоро вилояти). – Бухоро, 2009. – Б. 16.

¹⁰² Ўзбекистон Олий судининг 1965 йил 17 декабрь, 62/н-сонли маълумотномаси. Асл нусха. Мусо Саиджоновнинг шахсий архиви.

ХУЛОСА

Мусо Саиджоновнинг ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолиятини ўрганишга доир олиб борилган тадқиқот юзасидан қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Мусо Саиджонов ҳаёти ва фаолиятига доир адабиётлар таҳлили совет тарих фанида ушбу мавзунинг баъзи жиҳатлари ёритилганлигини, миллий зиёлилар, давлат арбобларининг ватан тараққиёти йўлидаги хизматлари “миллатчи” сифатида қоралангани, уларнинг жамият ва бошқарувдаги иштироки шу давр мафкуравий қолипларига биноан бирёклама талқин қилинганлигини кўрсатди. Миллий кадрлар, жумладан Мусо Саиджонов каби тараққийпарварлик ҳаракатидаги иштирокидан тортиб, янги тузум давлат бошқарувида раҳбарлик лавозимларида ишлаган шахсларнинг фаолияти махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Мусо Саиджоновнинг ўлкашунослик соҳасида олиб борган ишлари ҳақидаги маълумотлар тарқоқ ва тизимлаштирилмагани, илмий меросининг Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги аҳамиятига эътибор қаратилмагани аниқланди.

2. Мустақиллик йилларида жади́дчилик ҳаракати тарихи ва тарихшунослиги фаол тадқиқ қилинаётган мавзулардан бири бўлди. Ушбу мавзунинг тадқиқотчилари мактаби шаклланди. Янги маълумотлар жалб қилинган, янги концептуал ёндашувлар асосида катта ҳажмдаги мақолалар, рисоалар ва монографиялар яратилди. Бу тадқиқотлар контекстида Мусо Саиджонов фаолияти ҳам ёритилиб, бу шахс ҳаётининг баъзи қирраларини ёритувчи махсус мақолалар вужудга келди. Мустақиллик даврида яратилган бу йўналишдаги адабиётлар манбавий асосининг кенглиги, масалаларнинг янгича мушоҳада қилингани билан тарих фанидаги кемтикларни тўлдиришга хизмат қилди.

3. Марказий Осиёдаги жади́дчилик ҳаракатининг моҳияти, уни вужудга келтирган омиллар, ушбу ҳаракат ғояларининг миллий тараққиёт йўлидаги аҳамияти, маданий-маърифий жиҳатлари хорижий тадқиқотчилар диққатини тортди ва хорижда ҳам ушбу муаммога доир ишлар вужудга келди. Хусусан, ўрганилаётган мавзу доирасида Мусо Саиджонов фаолияти ҳақида мушоҳада юритилган, Адиб Халид қаламига мансуб мақола эътиборга сазовордир.

4. XX аср бошидаги зиддиятли, мураккаб бир пайтда маърифатпарварлик ҳаракати иштирокчиси ва унинг ғоялари тарғиботчиси, жамиятни демократик ислоҳотлар асосида ўзгартириш тарафдори тимсолида тарих сахнасига чиққан Мусо Саиджоновнинг туғилганидан вафотига қадар бўлган жараённи ўз даври, замонаси билан алоқадорликда, шахс сифатида шаклланиши ва бунга таъсир кўрсатган омилларни, бир сўз билан айтганда таржимаи ҳолини ўрганиш натижасида 4 босқичга бўлиш мумкин:

1-босқич - 1913-1917 йиллар. Мусо Саиджонов сиёсий онгининг шаклланиши даври бўлиб, у жади́длар сафида жамият ҳаётини тубдан ўзгартириш учун миллий тараққийпарварлик ҳаракатидан демократик ислоҳотлар заруратини англаш даражасигача етди;

2-босқич - 1918-1920 йиллар. Колесов воқеалари оқибатида миллий тараққийпарварлар мажбуран муҳожирликка кетдилар. Мусо Саиджонов ҳам муҳожирликда яшаб, бу давр ва вазият унинг қатъий фикрли, ўз дунёқарашига эга бўлган комил инсон сифатида шаклланишида муҳим омил бўлди. Мамлакат ривожига асосий тўсиқни амирлик тузуми моҳиятида кўрган Мусо Саиджонов амирлик тузумини ағдаришда ва 1920 йилда Бухорода республика ҳукуматининг ўрнатилишида фаол иштирок этди.

3-босқич - 1920-1924 йиллар БХСР ҳукумати таркибидаги фаолияти даври бўлиб, бу вақт мобайнида у ҳукумат вакили сифатида бир нечта юқори лавозимларда ишлаб, ўзини моҳир ташкилотчи, ишини пухта бажарувчи, талабчан, зукко давлат арбоби сифатида намоён қила олди.

4-босқич - 1925-1937 йиллар. БХСР тугатилгач, Мусо Саиджонов сиёсатдан четлашиб, ўзини илмий-маърифий ишларга бағишлади. Бу даврда унинг ўзбек халқи миллий-маданий бойликларини асраш, тарихини ўрганиш йўлида олиб борган фидокорона хизматлари натижасида Бухоро амирлиги қўшбеги архиви, БХСРнинг 1920-1924 йиллардаги фаолиятига доир барча нозирликлар ҳужжатлари аниқланиб, уларни тизимлаштириш, тўплаш, сақлаб қолиш ва давлат сақловига топшириш каби ишлар амалга оширилди. Мусо Саиджонов Ўзбекистон тарихий ва маданий обидаларни сақлаш кўмитаси раиси сифатида ҳам ўлканинг осори-атиқаларини асраб авайлаш ҳамда сақлашда улкан вазифаларни амалга оширди, ўлкашунослик соҳасини шакллантириш ва ривожлантиришда ташкилотчилик қилди.

5. Мусо Саиджонов қисқа умри давомида илмий тадқиқотчилик фаолияти билан шуғулланиб, қимматли илмий мерос қолдирди. Унинг тўплаган ва қолдирган илмий меросини умумий тарзда қуйидаги уч турга бўлиш мумкин:

а) *Мусо Саиджоновнинг шахсий кутубхонасидаги китоблар ва қўлланмалар.* Мусо Саиджонов ўзининг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ишлардаги фаолиятини олиб бориш билан биргаликда нодир адабиётлар, қўлёзма ҳужжатлар тўплаб, улардан ўзининг шахсий кутубхона фондидини яратди.

б) *Олимнинг шахсий архив ҳужжатлари.* Мусо Саиджонов ўзининг шахсий архив ҳужжатларини ҳам тизимли тўплаб борди ва натижада кичик архив шаклида уларни бир жойга жамлашга муваффақ бўлди.

в) *Мусо Саиджоновнинг олиб борган тадқиқотлари ва нашр этган ишлари.* Унинг шахсий ҳужжатлари орасидаги қўлёзма асарлари олимни ниҳоятда серқирра ижодкор сифатида эътироф этишга ундайди. Бу асарлар орасида иқтисодий муносабатлар, тарихий жараёнлар акс этган ва келажак авлод учун маданий мерос объектларини тўлиқ етказиш масалаларига доир тадқиқотлар мавжуд. Унинг илмий тадқиқотлари маҳсули бўлган асарлар ва мақолалар Ўзбекистон тарих фани ва тарихий билимлар ривожига муҳим аҳамиятга эга.

6. XX асрнинг 30-йилларидаги совет қатағон сиёсати қурбонлари қаторида миллий зиёлилар, давлат арбоблари ва юқори илмий салоҳият эгалари каби Мусо Саиджонов ҳам бор эди. Унинг тимсолида тарихий тафаккур ва тарих фани салоҳиятли олимдан айрилди. Ўзбекистон миллий

давлат мустақиллигига эришгач, совет катагон сиёсати қурбонларининг пок номлари тикланиб, хотираси абадийлаштирилди. Ватан равнақи ва миллат тараққиёти йўлидаги хизматлари авлодлар эътирофига сазовор бўлди.

7. Мавзунинг назарий методологик жиҳатлари шундан иборат бўлдики, тарихий жараёнлардаги иштирокининг аҳамияти ва роли, юксак илмий салоҳияти ва ёрқин иқтидори билан алоҳида из қолдирган шахслар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш тарих фанида тарихий биография йўналишидаги масалалар доирасида муҳим ўрин тутганлиги кўрсатиб берилди. Тарих фани бевосита шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти, тарих ва унинг ижтимоий тузилмадаги кесишмаси билан шуғулланар экан, бу уч ўлчам – таржимаи ҳол, тарихий жараён ва жамият – инсон шахсини объектив ўрганишда мувофиқлашган тизимни ташкил қилиши аниқланди.

Мазкур муаммони тадқиқ этиш асносида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Мусо Саиджоновнинг эълон қилинган мақолаларини қайта ва нашр этилмаган тадқиқотларини яхлит илмий тўплам сифатида чоп этиш мақсадга мувофиқ;

2. Ўрта ва олий таълим ўқув муассасаларида Ўзбекистоннинг интеллектуал ҳаётида муҳим ўрин тутган шахслар тарихини ўрганиш бўйича тарихий биография йўналишида махсус курс ташкил қилиш, жаҳид намояндаларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган махсус дарслар туркумини жорий этиш зарур.

3. Ўзбекистон тарихига доир асарлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратишда тарихшунослик тадқиқотлари натижаларидан ўринли ва унумли фойдаланган ҳолда фундаментал ва амалий лойиҳалар ишлаб чиқиш жоиз.

4. 2023 йилда Мусо Саиджоновнинг 130 йиллик юбилеи муносабати билан илмий анжуман ташкил этиш. Анжуман унинг серқирра фаолиятига доир маълумотларни, олимнинг илмий меросини, Ўзбекистон тарихига оид сўнги илмий натижаларни кенг жамоатчиликка етказишда, миллат фидойиларининг хотирасига эҳтиром кўрсатишда муҳим тадбир бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 30.12.2019. Tar.56.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ИНСТИТУТ ИСТОРИИ

САЙЁРА ФАТХУЛЛАЕВНА МУХАМЕДОВА

**ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ И НАУЧНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ
МУСЫ САИДЖАНОВА**

**07.00.08 – Историография, источниковедение
и методы исторических исследований**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

Ташкент, 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.1.PhD/Tar72.

Диссертация выполнена в Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещён на веб-странице Научного совета (www.fati.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Дилором Агзамовна Алимова**
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Бахтияр Эргашевич Эргашев**
доктор исторических наук, профессор

Аъзам Хомидович Болтаев
доктор философии по историческим наукам, PhD

Ведущая организация: **Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится “24” февраля 2023 г. в 11:00 часов на заседании Научного совета DSc.30.12.2019 Tar.56.01. по присуждению учёных степеней доктор исторических наук (DSc) и доктор философии (PhD) при Институте истории АН РУз. (Адрес: 100047, город Ташкент, улица Яхья Гулямова, 70, основное здание Академии наук, 110-кабинет. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz. Институт истории АН РУз.).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 100170, город Ташкент, улица Зиёлилар, 13). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 года
(реестр протокола рассылки № ____ от «____» _____ 2023 года)

Азамат Зиё
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор исторических наук, профессор

Х.С. Жуманазаров
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии по историческим наукам (PhD)

Н.А. Аллаева
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор исторических.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Происходящий в мире процесс глобализации оказывает влияние на историческое мировоззрение общества и отношение каждого народа к национальным ценностям. Сохранение национальной идентичности и чувства гордости за своё прошлое в этом процессе непосредственно связано со знанием своей правдивой истории. Одной из важных частей этой истории является жизнь и деятельность людей, оставивших неизгладимый след в истории народа и государственности своими общественно-политическими воззрениями и действиями на пути к процветанию Отечества.

На современном этапе научными центрами таких стран мира, как США, Великобритания, Австрия, Турция, Российская Федерация, Казахстан, проводится ряд научных исследований по изучению исторических условий, породивших таких личностей на определённых этапах развития человечества, возникновения различных политических и просветительских движений, в частности, истории джадидского движения, являвшегося по своей глубинной сути неповторимым и уникальным. Несмотря на это имена, история жизненного пути и научное наследие большинства представителей движения джадидов остаются неизвестными для широкой общественности. Одной из основных причин этого является недостаточное количество специальных научных исследований о них.

В числе новых научных направлений, изучаемых исторической наукой Узбекистана в годы независимости, особое место занимают вопросы, охватывающие вклад государственных и общественных деятелей в процветание Родины и нации, значение их участия в социально-политических процессах, их биографию и формирование личных качеств. Сегодня в числе одной из актуальнейших задач, выдвинутых на повестку дня главной стратегии Нового Узбекистана, считается увековечение имён и памяти государственных и общественных деятелей, представителей науки, культуры и искусства, в том числе разных профессий в многотысячных рядах наших соотечественников, ставших жертвами безжалостных репрессий тоталитарного режима, стойкость и мужество которых служит воспитанию молодого поколения в духе любви к Родине и верности идеям независимости¹. Именно поэтому изучение жизни и деятельности просветителя, учёного-историка Мусы Саиджанова, павшего жертвой политических репрессий, приобретает важное значение в плане широкой пропаганды научно-теоретических и духовных ценностей народа.

Данное диссертационное исследование, в определённой степени, служит выполнению задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан № УП-2837 «Об установлении дня поминовения жертв репрессий» от 1 мая 2001 г., постановлении № ПП-861 «О дальнейшем совершенствовании деятельности музея «Памяти жертв репрессий» от 5 мая

¹ Распоряжение Президента Республики Узбекистан № Р-5598 «О дополнительных мерах по более глубокому изучению наследия и увековечению памяти жертв репрессий» от 8 октября 2020 г./ <https://lex.uz/ru/docs/5041012/19.11.2020>

2008 г., распоряжении № Р-5598 «О дополнительных мерах по более глубокому изучению наследия и увековечению памяти жертв репрессий» от 8 октября 2020 г., а также и в других нормативно-правовых актах в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики: 1. Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, правового, экономического, культурного, духовного и образовательного развития общества и демократического государства.

Степень изученности проблемы². В литературе, освещающей те или иные аспекты жизни и деятельности Мусы Саиджанова, работы проанализированы будучи разделены на 2 хронологических этапа: 1. Публикации советской исторической науки; 2. Исследования периода независимости. Вместе с тем, в работе представлен обзор зарубежных исследований. Следует отметить, что данная тема не изучалась в советской науке в качестве отдельного вопроса, а в опубликованных немногочисленных работах³ наблюдается однобокий подход. В годы независимости были изданы произведения, принадлежащие перу Д.Алимовой, К.Раджабова, Х.Тураева, Б.Эргашева, С.Горшениной, А.Муинова, А.Болтаева и Н.Наимова, в монографиях, брошюрах, научных статьях и художественных произведениях которых нашли отражение некоторые аспекты темы. Третья историографическая группа представлена зарубежными исследованиями. В контексте произведений зарубежных авторов, посвященных вопросам истории джадидского движения, акцент сделан и на личности М.Саиджанова.

Анализ литературы, содержащей сведения о жизни и деятельности Мусы Саиджанова показал, что история его жизни до сих пор не становилась объектом специального исследования. Следует отметить, что его участие в просветительском движении, деятельность в управлении государства, исследования как учёного-историка и краеведа, факторы, повлиявшие на становление его многогранного таланта до настоящего времени не изучались в системном и комплексном виде.

Связь темы исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках фундаментального научного проекта ФА-Ф1Г023 «История и историография образования на территории Узбекистана: опыт, проблемы, развитие» Института истории Академии наук Республики Узбекистан.

Цель исследования заключается в том, чтобы путём освещения биографии, общественно-политической и научной деятельности Мусы

² Исходя из особенностей темы исследования и поставленной задачи, произведения о жизни и деятельности Мусы Саиджанова проанализированы в отдельной главе.

³ Убайдуллаев К. Мусажон Саиджонов // Гулистон. 1967. – №11. – Б. 15; Абдураимов М. Саиджонови илмий мероси // Шарқ юлдузи. 1972. – № 9. – Б. 130-139; Его же. Ёш бўлса хам бош бўлган эди // Фан ва турмуш. 1974. – № 4. – Б. 32-33; В.Сааков, Н.Коробцов. Нарком Бухарской Республики // Советская Бухара. 1978, 27 декабря.

Саиджанова в контексте исторических процессов, а также выявления динамики накопления знаний по данной теме раскрыть сущность репрессивной политики советского строя.

Задачи исследования определяются следующим образом:

выявить, скомпоновать, систематизировать и проанализировать произведения советского времени и периода независимости, посвящённые изучению жизни, деятельности и научного наследия Мусы Саиджанова; осуществить обзор зарубежных исследований по изучаемой теме;

на основе различных исторических источников и архивных документов показать место Мусы Саиджанова в просветительском движении в Бухаре;

